

ИҚЛИМ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШГА САЛБИЙ ТАЪСИРИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИНИ ЮМШАТИШ ЙЎЛЛАРИ

Т.Жўраев профессор
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
<https://doi.org/10.5281/zenodo.17060756>

Иқтисодий тараққиёт, иқтисодиёт ривожланиш жараён сифатида кўп қиррали, кўп ўлчамли мураккаб тушунча ва шу сабабли унда ҳисобсиз кўплаб омиллар таъсири мужассамлашади. Иқтисодий ривожланишда ўз ўрнига эга бўлган барча омилларни шартли равишда қуйидаги гурухларга ажратиш мумкин:

- Иқтисодий омиллар (ижтимоий - иқтисодий, ташкилий – иқтисодий);
- Ижтимоий омиллар;
- Институционал - муассасавий омиллар;
- Экологик ва атроф - муҳит ўзгариши билан боғлиқ омиллар.

Иқлим ўзгаришга тегишли омиллар. Бу барча омилларнинг иқтисодий ўсишга таъсири (ижобий ёки салбий) муқаррар. Бироқ бундай таъсир кўлами, шиддати, оқибати, ҳарактери ҳар хил омилларида турлича. Айрим омиллар таъсирини олдиндан башорат қилиш мумкин бўлса, бошқаларининг оқибатини билиш қийин, бир хил омилларнинг иқтисодий ўсишга миқдори таъсирини аниқлаш мумкин, бошқалариникини баҳолаш қийин ёки мумкин эмас. Баъзи омиллар иқтисодий ривожланиш натижаларига айримлари унинг омиллари ва шарт-шароитларига таъсир кўрсатади. Жумладан иқтисодий омиллар иқтисодий ривожланиш натижаларига бевосита таъсир қучига эга, уни олдиндан башорат қилиш миқдорий аниқлаш ва кўламини баҳолаш ҳам мумкин. Бошқа омиллар эса нафақат иқтисодий ўсиш натижаларига, балки унинг шарт-шароитларига ҳам таъсир қучига эга. Шу билан бирга мазкур омиллар таъсирини миқдорий аниқлаш фақат улар рўй бергандан кейингина мумкин бўлади. Хусусан иқлим ўзгаришлари айнан шундай омиллар тоифасига киради. Бу омиллар ҳарактерига кўра табиат омиллари ҳисобланиб,

иссиқ,совуқ, қуруқ ва намлик (ёмғирлар, қиров, дўл) шаклида рўй бериши мумкин. Мазкур омиллар меъёрда рўй берганда иқтисодий ривожланиш ва унинг шарт-шароитларига ижобий таъсир кучига эга бўлади. Сурункали содир бўлганда эса иқтисодий ўсишга бевосита салбий таъсир қўрсатиши ёки бошқа табиий оғатлар (сув тошқини, сел, қор кўчими, бўрон, тўфон ва х.к)ни келтириб чиқариб улар орқали нафақат иқтисодиёт баъзи кишилар ҳаёти ва яшаш шароитларига ҳам билвосита бугунги тарзда таъсир қилиши мумкин. Иқлим ўзгаришлари аномал тарзда содир бўлганда бутун хўжалик тизими ва инфратузилмавий муассасалар фаолиятини ҳам издан чиқариб мажбурий қамал ҳолатини келтириб чиқариши муқаррар. Бунга Ўзбекистонда 2022-2023 йилнинг қишида рўй берган аномал совуқни мисол қилиб келтириш мумкин. У Тошкент ва бошқа йирик шахарларнинг нафақат коммунал хўжалигини балки бутун алоқа ва коммуникация тизимини издан чиқарди, кишилар ҳаётини музлатиб қўйди.

Иқлим ўзгаришлар келиб чиқиши сабабига кўра табиий омиллар таъсирида ва инсонларнинг амалий фаолияти натижасида рўй бериши мумкин. Биринчисига Ер, Куёш, Ой ва бошқа сайёralар ҳаракатидаги ўзгаришлар сабаб бўлса, иккинчисига инсонларнинг ишлаб чиқариш фаолияти ва хатти-ҳаракатлари сабаб бўлади. Иқлим ўзгаришлар экологик ва бошқа табиий ҳалокатлар туфайли мамлакатимизда ва унинг айrim минтақаларида тўфон (бўрон), сув тошқинлари, қурғоқчилик, ёнғинлар, ҳароратнинг бирдан совуб ёки исиб кетиши каби ҳолатларнинг сезиларли даражада кўпайиши орқали намоён бўлмоқда.

Кўпчилик мамлакатларда иқлиминг ноқулай ўзгариши натижасида қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигининг пасайиб кетиши уларнинг озиқ-овқат хавфсизлигига таҳдид солмоқда.

Республикамизда иқлиминг сурункали ноҳуш ўзгариши оқибатлари натижасида Орол денгизининг қуриб бориши, янгидан ўзлаштирилган ерларнинг қайта чўлланиши ва шўрланиши нафақат иқтисодий ривожланишга балки у орқали аҳолининг турмуш фаровонлигига ҳам салбий таъсирини

кўрсатмоқда. Айниқса “Орол муаммоси” миллий чегарадан чиқиб, глобал муаммолардан бирига айланиб бормоқда. Бу каби катта кўламли муаммоларнинг салбий оқибатлари ҳам бекиёс ва қўп қиррали.

Жумладан, “қайта чўлланиш” ва “Орол муаммоси” миллий ишлаб чиқаришнинг потенциал ҳажмини чеклабгина қолмасдан, ҳар йили яратилган маҳсулотнинг катта қисмининг унинг салбий оқибатларини бартараф қилишга сарфланишига, шу орқали аҳоли турмуш фаровонлиги пасайишига ҳамда бунга қўшимча турли касалликларнинг келтириб чиқариши сабаби аҳоли соғлигининг ёмонлашувига олиб келади.

Иқлим ўзгаришларининг салбий оқибатлари глобал аҳамиятга эга бўлиб бориши улар бартараф этиши ёки юмшатишда халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлашни долзарб қилиб кўяди. Бу борада халқаро битимлар, хусусан Киота келишуви, Париж шартномаси ва муаммога оид бошқа халқаро хужжатлар муаммони ҳал қилиш йўлидаги дастлабки меъёрий актлар ҳисобланади.

Иқлим ўзгариши билан боғлиқ ўткир муаммоларни ҳал қилишининг долзарблигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида иқлим кенгашини ташкил этиш тўғрисида“ти (2024-йил 23-июль, ПФ-106-сон) фармони қабул қилиниши алоҳида аҳамиятли.

Бунга қўшимча республикада “Экология, атроф -муҳитни ҳимоя қилиш ва иқлим ўзгариши“ вазирлигининг ташкил қилиниши ҳам муаммонинг анча жиддий, долзарб ва кескинлигини англатади.

“Иқлим“ кенгаши ташкил қилиниши билан глобал иқлим ўзгаришлари шароитида юзага келаётган экологик муаммоларнинг олдини олиш, оқибатларини юмшатиш борасида амалга ошириладиган ишларга эътибор яна ортади. Кенгашининг асосий вазифалари сифатида қуйидагилар белгилаб берилади:

- Иқлим ўзаришлари оқибатларини юмшатиш ва унга мослашиш бўйича миллий стратегияни ишдаб чиқиш ҳамда ушбу йўналишда ягона давлат сиёсатини шакллантириш;

- “Миллий стратегия”ни самарали амалга ошириш бўйича ишларни мувофиқлаштириш;

- Париж битимидан келиб чиқадиган Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари бажарилиши монитроингинии юритиш;

- Норматив-хуқуқий хужжатлар базасини такомиллаштириш;

- “Яшил” технологиялар, инвестицияларни жалб қилишга кўмаклашиш.

Республикада, шу қайд қилинган вазифаларни бажариш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилди. Аввало қатор норматив-хуқуқий хужжатлар қабул қилинди. “Қайта шаклланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида”, “Гидрометерология фаолияти тўғрисида”ги ва “Иссик хона газларининг чиқарилишини чеклаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, “Қайта шаклланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида”, “Гидрометерология фаолияти тўғрисида”ги ва “Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилгача атроф-муҳит муҳофаза қилиш” концепцияси, 2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “Яшил иқтисодиётга ўтиш стратегияси” ва бошқаларни келтириш мумкин.

БМТ Бош Ассамблеяси Республика Президенти Ш.Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган “Марказий Осиё” глобал иқлим таҳдидлари қархисида: “Барқарор ривожланиш ва фаровонлик йўлида минтақавий бирдамликни мустаҳкамлаш“ резолюциясини қабул қилди (2023 йил 21 декабрда).

Ўзбекистон-2030 стратегиясида ҳам белгиланган бир қатор вазифалар мамлакатда иқлим ўзгаришларини олдини олиш ҳамда унга мослашишга қаратилган. 2018-йилнинг охиридан ҳозирги кунга қадар орол дengизининг қуриган қисмида қарийб 2 млн. гектарга яқин майдонга саксовул, черкес ва бошқа шўрга ва қурғоқчиликка чидамли ўсимлик уруғлари сепилди ҳамда кўчатлари экилди.

“Яшил макон” умумиллий лойиҳаси доирасида охирги уч йил давомида 630 млн. дона дарахт ва бута кўчатлари ўтказилди. Ушбу бажарилган ишлар натижасида республикада муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар умумий майдони 6,5 млн. гектарга яқинга кенгайиб, улар мамлакат ҳудудининг 14% дан ошиғроғини ташкил қилмоқда.

Республикада сув ресурсларининг тақчиллигини юмшатиш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада биргина 2023-йилда 413 минг гектар ерда сув тежовчи технологиялар, шу жумладан 77,3 гектарда томчилатиб суғориш, 25,4 минг гектарга ёмғирлатиб суғориш, 13 минг гектарда дискерт суғориш технологиялари жорий қилинди.

Мамлакатимизда “яшил” иқтисодиёт ва “яшил” энергетика қоидаларини амалиётга жорий этиш бўйича ҳам қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда умумий қуввати 24 минг МВт та лойиҳа доирасида (қуёш ва шамол) электр станцияларини жами қувватини 3165 МВт бўлган электр энергиясини сақлаш тизимларини қуриш бўйича улар олиб берилмоқда.

Сўнги йилларда Республикада 1,6 гигаватли 9та қуёш ва шамол электр станциялари тармоқга уланган, 183 мегаватини бта гидро электр станциялари ишга тушурилган.

2030 йилгача Ўзбекистонда қайта тикланувчи энергия қувватларини 25 гигаваттга етказиш кўзда тутилган. Булар табиий ресурсларини тежаш билан бирга атмосферага иссиқхона газлари чиқишининг олдини олиш имконини беради.

Яқин йилларда республика умумий энергия балансида қайта тикланадиган энергия манбалари улушкини 40% га етказиш кўзда тутилган бўлиб, бу нафақат мамлакатда балки минтақада энергетик барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Республикада иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашиш бўйича “йўл харитаси” ҳам тасдиқланган бўлиб унда муаммони ҳал қилиш бўйича қатор устувор йўналишлар белгилаб берилган.

Иқлим ўзгаришининг энг ҳалокатини оқибати яна шундаки, у табиий оғатларнинг янги турлари пайдо бўлишига шароит яратади, мавжуд табиий оғатларнинг зарар етказиш қучини бир неча баробар ошириши, хатто бошқариб бўлмайдиган даражага етказиш ҳам мумкин. Иқлим ўзгариши бошқа ижтимоий-иктисодий муаммоларни ҳам юзага чиқариш мумкин. Жумладан, жаҳон банки маълумотларига кўра, у кучли ҳалқаро миграцияга сабаб бўлиб 2050 йилгача дунёнинг олтида минтақасида яшаётган инсонларнинг ўzlари яшаётган маконларни тарк этиб, бошқа ҳудудларга кўчишига сабаб бўларкан. Булар орасида марказий Осиёда яшаётган 5 млн.дан ортиқ аҳолининг борлиги, мазкур муаммонинг минтақа давлатлари учун ҳам долзарб эканлигини кўрсатади.

Шу боис Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқлим ўзгаришига нисбатан барқарор агроэкотизимни яратиш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг иқлим ўзгариши билан боғлиқ хавфларга мослашувчанлигини ошириш чора тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва унга кўра тасдиқланган “Миллий дастур“да ҳаво ҳароратининг ўртacha даражаси кўтарилиб бориши оқибатида келиб чиқиши муқаррар бўлган сув танқислиги шўрланиш ва тупроқ деградациясининг олдини олиш, аграр соҳани иқлим ўзгаришига мослаштириш ҳамда унинг иқлимга бўлган салбий таъсирини юмшатиш каби чора-тадбирлар белгиланган.

Шу асосда БМТнинг Яшил иқлим жамғармаси билан ҳамкорликда “Ўзбекистонда иқлимга мослашувчан қишлоқ хўжалиги амалиётларини кенгайтириш ва аграр соҳанинг унга бўлган таъсирини юмшатиш” дастури доирасида 200 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағни, Европа Иттифоқи, Глобал экологик жамғармаси, Германия ҳалқаро ҳамкорлик жамияти, БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотларининг гранит маблағларини Оролбўйи минтақаси ҳамда республика қишлоқ хўжалигида иқлим ўзгариши билан боғлиқ лойиҳаларга йўналтириш белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикасининг Президентининг “Чанг бўронларига қарши курашиш ва атмосфера ҳавоси сифатини яхшилаш бўйича биринчи

навбатдаги чора тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ва шу асосда ишлаб чиқилган “Миллий дастур”га кўра соҳада ривожланган хорижий давлатлар билан ҳамкорликни йўлга, мамлакатда экологик вазиятни тубдан яхшилаш, чанг бўронларга қарши курашиш бўйича ишларни тизимли ташкил қилиш ва тиклаш, ихота дараҳтзорларини барпо этиш, чанг бўронларидан аҳолини олдиндан огоҳлантириш тизимини яратиш шунингдек яйловлардан оқилона фойдаланишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш каби вазифалар белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши курашиш бўйича ишлар самарадорлигини ошириш чора тадбирлари тўғрисида“ ги (ПҚ -4204 сонли, 1919-йил 22-февралдаги) қарори ва “Сурхондарё вилоятида афғон шамолининг салбий таъсирини камайтириш ва экологик вазиятни яхшилаш мақсадида 2024-2030лар цикларда амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури” доирасида ҳам иқлим ўзгаришининг салбий оқибатларини юмшатиш бўйиа бир қатор тадбирларни амалга ошириш назарда тутилган.

Республикада иқлим ўзгаришининг салбий оқибатларини бартараф этиш мақсадида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳа доирасида ҳам бирмунча ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, 2024 йилда жами 66,6 млн. дона ихота дараҳтлари ва мевали кўчатлар экилди, 26,4 минг гектар мевали боғ ҳамда 101 минг гектар токзорлар барпо этиш режа қилинди.

Мамлакатимизда, атмосфера ҳавоси ифлосланишининг олдини олишда экологик тоза транспорт воситалари сонини кўпайтириш, ёқилғи сифатини халқаро стандартларга яқинлаштириш ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, иқтисодиётнинг “оғриқсиз” ривожланишга ва аҳолининг турмуш сифати яхшиланишга эришишда иқлимининг ноxуш ўзгариши каби глобал муаммолар таъсирини юмшатиш алоҳида долзарблик касб этиб,бу экологик инновацияларни жорий этиш ,экологик тоза, энергия самарадор ва ресурстежамкор лойиҳаларни амалга ошириш, ”Яшил

иқтисодиётни амалда қарор топтириш, мамлакатда экологик хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашни тақозо этади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси: “Ўзбекистон” нашриёти, 2023.
2. Ўзбекистон 2030 стратегияси “Тарракиёт стратегия маркази. П:2023.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида иқлим кенгаси ташкил этиш тўғрисида”ги фармони. ПФ-106 сон. 2024 йил 23 июнь.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чанг бўронларига қарши курашиш ва атмосфера ҳавони сифатини яхшилаш бўйича биринчи навбатдаги чора тадбирлар тўғриси”даги қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2030-йилгача атроф - муҳитни муҳофаза қилиш концепсияси. Т:2024.
6. T.T. Jo’rayev , M.A. Hamdamov. Iqtisodiyot nazariyasi . (Darslik) . - T. :"Fan va texnologiyalar nashriyot - matbaa uyi ", 2024,504 bet.
7. Гаппаров Х.Л. Иқлим ўзгариш оқибатларини юмшатиш ва унга мослашиш борасидаги тарихий хужжат (09.08.2024) интернет сайт.